

Аёл томонидан бўлган яқинлар мероси



09:22 / 13.01.2020 2066

(иккинчи мақола)

Термизийнинг лафзида:

«Аллоҳ ва Унинг Расули мавлоси йўқнинг мавлосидир. Вориси йўқнинг вориси тоғадир», дейилган.

Миқдом ибн Караба ибн Амр ибн Язийд, кунялари Абу Кариймата ал-Кандий. У зот ёшлик чоғларида Канда элчилари билан бирга Ямандан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдилар. Улар саксон нафар отлиқ кишилар эди. Шундан сўнг Шом шаҳрида истиқомат қилдилар. Ҳаммаси бўлиб, 40та ҳадис ривоят қилдилар.

Ушбу ҳадислардан Имом Бухорий ҳам ажратиб олдилар.

Бу зот ҳижратнинг 87-йили 91 ёшларида Ҳимс шаҳрида вафот этдилар.

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам умматларидан ҳар бир киши ҳақида унинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ қайғуришларини таъкидламоқдалар. Шунинг учун ҳам у зот умматларидан ким вафот этиб, ортидан қарзи қолса, уни узишга ваъда бермоқдалар. Шу билан бирга, унинг ортидан қолган чорасиз аҳли аёлини ҳам боқиб, таъминлашларини айтмоқдалар. Аммо умматдан бир киши мерос қолдирса-ю, унинг вориси бўлса, Набий соллalloҳу алайҳи васаллам олмайдилар.

Тамийм ад-Дорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мусулмонлардан бир кишининг қўлида Исломга кирган одамга оид суннат нима?» деди.

«У – унинг ҳаётида ва мамотида энг ҳақли одамдир», дедилар у зот».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Ҳанафий мазҳаби ушбу ривоятни «Кейин мусулмон бўлган одам вафот этса-ю, унинг меросхўри бўлмаса, уни Исломга киритган киши у билан аҳднома тузган бўлса, меросни олади», деб тушунган.

Бошқа мазҳаблар эса «Бу ривоятда мерос тўғрисида очиқ гап йўқ, шунинг учун бировнинг Исломга киришига сабаб бўлган одам ундан қолган меросга эга бўлмайди. Агар ундай одамнинг меросхўри бўлмаса, мероси Байтулмолга берилади», деганлар.

???? ?????????? ??????? ?????? ??????????: ??????

????????? ?????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????

????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????

????????????? ?????????? ??? ?????? ?????? ??????: ??????????

????????? ?????? ?????????? ?????????????? ??????????: ??????????

?????: ?????????????? ??????????????. ?????????? ??????

????????? ?????????????????????? ?????????????????.

Оиша розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг бир мавлолари вафот этди. Ортидан нарса қолдирди. Фарзанд ва яқин қолдирмади. Шунда соллаллоху

алайҳи васаллам:

«Бу ерда унинг ватандошларидан бирор киши борми?» дедилар.

«Ҳа», дейишди.

«Унинг меросини ана ўшанга беринглар», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар. Термизий ҳасан, деган.

Барча уламоларимиз «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисдаги мазкур мавлонинг меросини унинг ҳамшаҳарига садақа сифатида берганлар, мерос сифатида эмас», дейдилар. Шариат ҳукми бўйича бундай ҳолатларда мерос Байтулмолга берилади.

???? ????? ????????? ??????? ?????? ?????????? ??????:
????? ??????? ??????? ??? ?????????????????????? ???????
?????? ??? ?????????? ?????????? ??????? ??????????????
????????????????? ?????????????? ?????? ???????
?????????????????. ?????????? ?????? ?????????? ??????????
?????????.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жоҳилиятда қилинган ҳар бир тақсим қандай тақсимланган бўлса, шундай (қолди). Исломи келганидан кейинги ҳар бир тақсим – исломий тақсим бўйичадир», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Исломигача бўлган тақсимлар қайтадан кўриб чиқилмаган. Дарҳақиқат, ўша пайтдаги мол-мулк, насаб ва никоҳга тегишли муомалалар аввалги тартиб-

қоидаларга биноан давом этиб кетаверган.

Ислон келганидан кейинги муомалалар эса ислоний қонун-қоида асосида бўлган.

(Тамом)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан